



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2017 йил 18 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

№ 82 (13.415)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ОДАМЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 14–15 апрель кунлари Самарқанд вилоятида бўлди.

Президентимиз вилоятга ташрифининг иккинчи кунини Самарқанд шаҳридаги "Ал-поминиш" масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган катор истиқболли лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди.

Самарқанд вилояти улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Туризмни ривожлантириш, сайёҳлик хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтириш юзасидан изчил ишлар олиб боришмоқда. Бу борадаги салоҳиятни янада ошириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида Самарқанд шаҳрида эркин туристик ҳудуд барпо этиш бўйича 2017–2019 йилларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳаларга кўра шаҳарнинг Амир Темур кўчасида сайёҳлик-кўнгилочар меҳмонхона комплекси, Самарқанд эшакка эшиш канали бўйида қишқи дам олиш маскани барпо этиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбарига мазкур янги сайёҳлик марказларининг имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар, кўнгилочар масканларда халқимизнинг

миллий анъана ва қадриятларини намойиш этиш бўйича ташкил этиладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Самарқанд вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг шу йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони соҳа учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ "Ургут" эркин иқтисодий зонасининг Ургут туманида "Ургут-1", Нурабод туманида "Ургут-2" ва Пастдарғом туманида "Ургут-3" ҳудудлари ташкил этилди. Ушбу ҳудудлар учун жами 816 гектар ер ажратилиб, уларни зарур муҳандислик-коммуникация инфраструктураси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Бугунги кунда "Ургут-1" ҳудудида енгил саноат, маиший техника, тиббиёт жиҳозлари, фармацевтика, чарм-пойабзал, канцелярия моллари, қурилиш материал-

лари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2017–2018 йилларга мўлжалланган 83 лойиҳа тайёрланган, уларнинг 20 таси жорий йилда ишга туширилади. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди.

Умумий қиймати 250 миллион долларни ташкил этувчи ушбу лойиҳалар тижорат банклари кредити ва таъсисчиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Натижада 5,5 минг янги иш ўрни ташкил этилади.

Президентимиз ушбу стратегик ҳудудни ташкил этиш борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Ҳудудга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш, хориждаги индустриал зоналар фаолиятини ўрганиш ва илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш лозимлиги, Ургут туманида муайян коллежни танлаб, иқтисодий зонада фаолият кўрсатадиган кадрлар тайёрлаш, бундай тажрибани "Қўқон", "Ғиждувон", "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарига ҳам жорий этиш кераклиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган брифингда пойтахтимизда автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини тартибга келтиришга оид амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

АВТОМОБИЛЛАР ТУРАДИГАН ЖОЙЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Транспорт воситалари кундан-кунга ортиб бораётгани ва уларни вақтинчалик сақлаш жойлари етишмаётгани сабабли пойтахтимизнинг туман, мавзе, даҳаларида автотранспорт воситаларини белгиланмаган жойларда, яъни турар жой мавзелари ичида, кўп қаватли уйлар олдида ва бошқа ҳудудларда қолдириш ҳолатлари кўпаймоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг маълумотларига кўра, пойтахтимизда автотранспорт воситалари 2017 йил 1 март ҳолатида 2015 йилга нисбатан 19 фоиз ортиган.

Шаҳарсозлик, санитария ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган, тартибсиз жойлаштирилган темир-бетон гаражлардан аҳоли транспорт воситаларидан ташқари турли буюмларни сақлаш, иккиламчи қозғов ва елим маҳсулотларини йиғиш шохбачалари ташкил қилиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиб келмоқда.

Брифингда пойтахтимизда шаҳарсозлик қоидалари ва санитария меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган темир-бетон гаражларнинг бузилиши ҳисобига етарлиқ ўрнида замонавий шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мос 2, 3 ва 6 қаватли ҳамда кичик ҳудудларда усти ёпилмаган автомобиллар турадиган жойлар қуриш режалаштирилгани маълум қилинди. Дастлабки лойиҳаларга мувофиқ, режалаштирилаётган 2 қаватли автомобиллар турадиган жойда 80; 3 қаватлисида 144; 6 қаватлисида 480 ва 532 енгил транспорт воситаси жойлаштирилиши кўзда тутилмоқда.

Янги иншоотлар қурилишида аҳолининг тақлифлари инобатга олинмоқда. Шундан келиб чиқиб замонавий талабларга мос, биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси жойлаштирилаётган кўп қаватли автомобиллар турадиган жойларнинг лойиҳалари тайёрланди. Ушбу лойиҳалар халқимиз томонидан муҳокама қилиниши учун www.gov.uz сайтига жойлаштирилди.

Нурило НАСРИЕВ

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ САМАРАЛИ ЁРИТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда "Янги форматлар даври: Ҳаракатлар стратегиясини самарали ёритиш" мавзусида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун семинар ўтказилди. "Тараққиёт стратегияси" маркази, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Халқаро пресс-клуб ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда журналистлар, экспертлар иштирок этди.

Беш босқичда амалга оширилиши назарда тутилган Ҳаракатлар стратегияси йилларга бериладиган номларга мувофиқ тасдиқланган Давлат дастурлари билан уйғунлаштирилди.

Айни пайтда Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар ва олимларни мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнидаги фаол жалб этиш мақсадида ташкил этилган "Тараққиёт стратегияси" маркази мазкур йўналишда журналистлар учун кенг имкониятлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, ўзаро ҳамкорлигининг йўналишлари белгилаб олинмоқда.

Семинар иштирокчилари фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлари сифати учун масъулиятни, фаолият самарадорлигини ошириш, амалга оширилаёт-

ган ислохотлар, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар юзасидан фикрлар хилма-хиллиги борасида мулоҳазалар айтилди.

Тадбирда, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида яқин алоқани таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш, қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларига оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга оид тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш борасида ҳам тақлифлар билдирилди.

Очик мулоқот тарзида ўтган семинарда Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифаларни атрофлича тушунириш ва оммавий ахборот воситалари олдидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

**Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири**

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноат корхоналарини ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини янада кенгайтириши ва ишлаб чиқариш-ни самарали ташкил этиши йўлида кенг имкониятларни очиб бермоқда. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиги туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда. Хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун кичик бизнес корхоналари озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материаллари, кийим-кечаклар каби кенг турдаги товарларни ишлаб чиқармоқда ва ташқи бозорларга экспорт қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси уларнинг товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан қўмаклашмоқда.

Мазкур жамғарма жорий йилнинг биринчи чораги якуни бўйича 627 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий қиймати 642 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 280 тадбиркор 270 миллион долларлик маҳсулотларини экспорт қилди. Жамғарма кўмағида амалга оширилган экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 8 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу жамғарма томонидан эликдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига Германия, Россия ва

Қозғоғистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишда ёрдам кўрсатилди. Бу тадбирларда 117,8 миллион долларлик экспорт келишувлари имзоланди. Улар доирасида қарийб 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилнинг январь ойида Берлинда бўлиб ўтган "Яшил ҳафта – 2017" халқаро кўргазмасида жамғарма юздан ортиқ тадбиркорнинг тижорат тақлифлари билан иштирок этган ҳолда жами 16,8 миллион долларлик экспорт шартномаларини имзолашда қўмаклашди. Москвада февраль ойида ўтказилган "Продэкспо – 2017" озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмасида 75 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида 22–23 март кунлари ташкил этилган Ўзбекистон миллий саноат кўргазмасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан юздан ортиқ тадбиркор маҳсулотлари намойиши ўтказилди. Кўргазма якуни бўйича Қозғоғистон бозорига тўқимачилик, мева-сабзавот, озиқ-овқат, мебель ва қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича қиймати 24,4 миллион долларлик 18 экспорт келишуви имзоланди.

Германиянинг Дрезден шаҳрида жорий йилнинг 6 мартда жамғарманинг Германиядаги ваколатхонаси томонидан Саксония иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ҳамда Тюрингия ва Саксония Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида "Ўзбекистонда бизнес юришти учун яратилган имкониятлар" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда Германиянинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган қирқдан зиёд корхона вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА


● Қашқадарёда вилоятдаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Ярмаркада корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ҳўжалик юришти субъектлари ҳеч қандай тендер танловисиз ўзаро шартномалар имзолаш ва маҳсулот хари-

дид қилиш имкониятига эга бўлди. Маҳсулотлар хариди ва ҳамкорликка оид 50 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди.

● Навоийда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўна қўлчилари ўқувчилари ўртасида "Солиқ билимлари – болаларга" танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда умумтаълим мактаблари ўқувчилари солиқ тўғрисидаги тушунчаларини расмларда акс эттириш, солиқ мавзусини ҳикояларда ифодалаш, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати мавзусида иншо ёзиш ҳамда "Солиқлар нимага тўлана-

ди ва нималарга сарфланади?" мавзусида компьютер такдимо-ти шартлари бўйича ўзаро баҳс-лашди.

● Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Увайсий номидаги маҳал-ланинг бир гуруҳ фаоллари Фар-гона вилоятида бўлиб, Марғи-лон шаҳридаги шоиранинг уй-музеи ва вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилди. Мазкур тадбир ушбу маҳалла аҳлини шоира яшаган Марғи-лон шаҳри, бу ерда амалга ошири-лаётган улкан бунёдкорлик иш-лари, Увайсийнинг ижодий ме-роси билан янада яқиндан та-ништириш ҳамда ўзаро ҳамкор-лиқни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди.



● Ҳиндистоннинг Кашмир шта-тида тўсатдан ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида барқ уриб очилган гулларни қор босди. Ҳароратнинг пасайиб кетиши оқибатида бу ерда дехқончилик ва боғдорчилик катта талафот кўрган. Жумладан, штатдаги гулчиликка ихтисослашган Си-рожбоғда миллиондан ортиқ туп лолани совуқ урди.

● Япониянинг Миядзаки шаҳ-рида гайритабиий кимовиди сав-доси бўлиб ўтди. Гап шундаки, унда икки дона манго меваси 400 минг иена (салкам 3,7 минг АҚШ доллари)га сотилди.

ОДАМЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбиркорлар билан мулоқотда яратилган қулай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар сифатини ошириш, экспорт фаолиятини ривожлантириш, ташқи бозорларни ўрганиш ва хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Президентимиз Самарқанд шаҳрининг Даҳбед кўчасидан Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига олиб боровчи Нурафшон кўчасини ободонлаштириш лойиҳаси билан танишди.

Нурафшон кўчасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, атрофдаги эски ва бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган бинолар ўрнида шаҳарсозлик талаблари асосида замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар қурилади.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг Жомий кўчасидаги Ёшлар марказини реконструкция қилиш, ҳайвонот боғи қуриш лойиҳаларини кўздан кечирар экан, бу борадаги ишларни аҳолининг фикри ва тақдирларига асосида амалга ошириш, миллий меъморий ва замонавий архитектура аъёналарини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар берди.

Самарқанд шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2017–2018 йилларда саноат соҳасида 125 инвестицион лойиҳа амалга оширилади. Озик-овқат ва енгил саноат, чарм-пойабзал, фармацевтика, мебель ва қўғозни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-кیمی ва бошқа соҳаларда кўзда тутилган лойиҳалар вилоятни изчил ривожлантиришга, аҳолининг

ҳаёт сифатини янада яхшилашга қаратилган. Мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга татиқ этилиши 6 минг 300 дан ортиқ кишининг ишли бўлишига хизмат қилади.

Вилоятда “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти томонидан 163 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Нуробод туманида “Навоий металл-маш” ва Хитойнинг “Gezhouba Group sement Co.LTD” корхоналари ҳамкорлигида цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган. Йилига 2 миллион тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга ўшбу корхонада 530 янги иш ўрни яратилади.

Пастдарғом туманида қуриладиган “Самарқанд Афросиёб цемент” корхонаси фойдаланишга топширилган, 300 киши иш билан таъминланади. Корхонани 2018 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев “Ўргут” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида маийшй техникалар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди.

“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик жамияти ва “Ideal Elektro Lyuks” масъулияти чекланган жамияти томонидан Туркиянинг “Odu” компанияси билан ҳамкорликда газ плиталар, электр духовка, кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг умумий қиймати 7 миллион долларни ташкил этади. Товарларнинг маълум қисми экспорт қилинади.

“Coven Elektro” масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 30 минг дона замонавий чангютгич ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Президентимиз мазкур лойиҳалар билан танишар экан, аҳолининг маийшй техникалар билан таъминлангани унинг

турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири эканини таъкидлади. Маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини янада кенг омалаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Миллий банк томонидан фармацевтика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди. “Optima Sobirjon”, “Perfect Pharma Group” масъулияти чекланган жамиятлари ва “Samarkand England eko medical” қўшма корхонасида 200 дан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Шу ерда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, спортни янада омалаштириш, аҳолига маийшй хизмат кўрсатиш борасидаги лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси, 32-уйда жойлашган ўшбу қабулхонада фуқароларни қабул қилиш, муносабатларни қуриб чиқиш ва ҳал этиш учун барча зарур шароит яратилган. Президентимиз Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқот учун эркинлик ва қулайлик яратгани, энди асосий эътиборни одамларни рози қилишга қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрь куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратди ва трамвай линияларини барпо этиш зарурлигини таъкидлади. Ўтган қисқа вақтда бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шаҳар кўчаларида пўлат излар ётқизилди.

Президентимиз 15 апрель куни Самарқанд шаҳрида Темир йўл вокзали – Сартепа йўналиши бўйича трамвай қатнови йўлга қўйилишига бағишланган тадбирда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари бир гуруҳ самарқандликлар билан “Тарих музейи” бека-тидан “Темир йўл вокзали” бека-тига трамвайда бирга келди. Самимий мулоқот чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган алоҳида эътибор ҳақида сўз борди.

Икки томонлама қатновга мўлжалланган йўлда электр билан таъминловчи тўртта подстанция ва битта депо қурилди. Темир йўл вокзали билан Сартепа ораллигидаги 7,2 километрлик йўналишда 8 трамвай ҳаракатланади. Самарқанд шаҳрида тўртта йўналиш бўйича 20 трамвай қатнови йўлга қўйилиши белгиланган.

Шунинг билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи низоҳасига етди. Ўшбу ташриф 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ихросининг амалий ифодаси бўлди. Ташриф давомида белгилаб берилган кенг кўламли вазифалар, муҳокама қилинган йирик лойиҳалар вилоят тараққиётини янги босқичга кўтарди. Одамлар билан самимий мулоқотлар вилоят аҳлига куч-қувват, катта хурсандчилик бағишлади.

ЎЗА

Мамлакатимиз барча қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. 17 апрель куни Тожикистон пойтахтида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари маҳсулотларининг миллий кўргазмаси очилди.

ТОЖИКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ

Бу ҳақда 2016 йил 27–28 декабрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси ахирлари бўйича қилинган эришилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва экспорт салоҳияти, инвестиция сиёсати билан Тожикистон Республикаси ишбилармон доира вакиллари таништириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва туризм соҳаси ривожига тўғрисида қабардор қилиш мақсадида ўшбу кўргазмага пухта ҳозирлик қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 апрел-

даги фармойишига мувофиқ кўргазмани ташкил этиш учун маҳсулотлар, экспозиция материаллари ва зарур жиҳозлар етказиб берилди.

Кўргазмада 160 дан зиёд компания мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган 1 минг 500 турдаги маҳсулотни намойиш этмоқда. Душанбе шаҳридаги “Пойтахт – 90” савдо маркази ҳудудида 2 минг квадрат метр майдонда электротехника, кабель, фармацевтика, сантехника, тўқимачилик, чарм маҳсулотлари, ўқув-лаборатория ускуналари, қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари, чинни буюм ва идишлар, парфюмерия ва бошқа маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

1000 квадрат метр очиқ майдонда қишлоқ хўжалиги техни-

каси ва турли осма ускуналар, енгил ва юк автомобиллари, йўловчи автобуслари тақдим этилган.

Тадбир доирасида ташкил қилинадиган бизнес-форум ва семинарларда Ўзбекистон ва Тожикистон ишбилармон доираларининг 500 дан ортиқ вакили қатнашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама этади. Бу икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш ва ташқи савдо ҳажмини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўргазма-ярмарка икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва ўзаро серқирра ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ТАЪСИРЧАН УСУЛ

Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ўтказилган “Депутат сўровини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари: назария ва амалиёт” мавзусидаги семинарда депутатлар, Бош прокуратура, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Қўмита раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида парламентнинг масъулиятини ошириш, қонун чиқарувчи органнинг қонун ижодкорлиги, сайловчилар билан мулоқоти ва назорат-таҳлил фаолиятини янада такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида парламент муҳим роль ўйнайди.

Тадбирда парламент назоратининг шакллари-

дан бири сифатида депутат сўрови белгиланганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлисининг парламент назоратини олиб бориш бўйича фаолиятини такомиллаштиришда ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмларни яратишда “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

– Ҳозирга қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан юбориладиган сўров ҳам, депутат юборган сўров ҳам бир хилда “парламент сўрови” деб айтиларди, – дейди ЎЗА муҳбирига депутат Жаҳонгир Ширинов. – Депутат сўровини юбориш тартиб-таомили парламент сўровини юбориш тартиби билан бир хил бўлиб, депутат учун қатор нуқталар келтириб чиқарилди. “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг, “депутат сўрови” ва “парламент сўрови” тушунчалари бир-биридан ажратилди. Эндиликда парламент назоратининг 13 шаклидан энг тезкор амалга оширилаётгани бу “депутат сўрови”дир. Бу депутатларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш юзасидан жойларда ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида амалга ошираётган ишлари доамомда аниқланган камчилик ва муаммоларга мутаассадилар эътиборини жалб этган ҳолда ҳал этиш имконини беради. Биргина февраль ойида депутатларимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юздан зиёд сўров киритган.

Семинарда депутат сўровидан кенг ва самарали фойдаланиш масалалари, унинг назарий асослари муҳокама қилинди. Депутат сўровини тайёрлаш тартиби, депутат сўровини қўриб чиқиш муддати ва тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи ҳақида сўз юритилди.

Сайёра ШОЕВА

ДАВЛАТ ГРАНТИ СОҲИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссияси раиси Д.Шоумаров олиб борди.

Унда Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясини 2016 йилда олиб борган фаолияти ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб 2017 йилда жамоат комиссиясининг вазифалари, 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ўтказилган давлат грантлари танловлари давомидида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган 7-қўшимча давлат гранти танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Жамоат комиссияси қарорига кўра “Фаол” нодавлат нотижорат ташкилоти, Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси, Турғун Алиматов жамоат бирлашмаси, “Аънаънинг қаратқ до”ни ривожлантириш маркази, Яшнобод туманидаги “Беҳизор” маҳалласи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фахрийлар кенгаши лойиҳалари ғолиб топилиб, уларнинг ҳар бирига 25 млн. сўмлик давлат гранти сертификатли тантанали топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 15 апрель куни Франция Республикаси ташқи ишлар ва халқаро тараққиёт вазири Жан-Марк Эро билан учрашди.

Мулоқот чоғида 2017–2018 йилларга мўлжалланган вазирликлараро ҳамкорлик дастури Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни тизимли асосда ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муносабатларнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди. Топмонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашди.

Учрашувда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, июнь ойининг бошида “МЕДЕФ Интернэшнл” Франция корхоналари ҳаракати бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакиллари билан Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли ўтишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу куни Франция делегацияси вазирлик ва идораларда учрашувлар ўтказди. Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуида бўлди.

МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Германиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда, – деди ЎЗА муҳбирига Саксониянинг иқтисодийга кўмаклаши бошқармаси бошлиғи Петер Нотнагел. – Ўзбекистон қўллаб соҳаларда, айниқса, савдо ва иқтисодийда улкан салоҳиятга эга мамлакат. Биз савдо, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, техника ва технологиялар соҳасида узоқ муддатли алоқаларни ўрнатишга тайёрмиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг экспортдаги молиялаштириш ва ишончли ҳамкор топиш бўйича хизматлари бизда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур жамғарманинг Германиядаги ваколатхонаси билан Германия бозорига ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари етказиш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш истагини билди.

Бугунги кунда жамғарма томонидан жорий йилнинг 19–21 апрель кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган “InterFood” халқаро озик-овқат маҳсулотлари кўргазмасида тадбиркорларимизнинг иштирокини таъминлаш ишлари олиб борилаётган.

Мамлакатимиздаги ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси таъсисчилигида 85 агрофирма ташкил этилган. Ўтган даврда мазкур агрофирмалар томонидан қарийб 130 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Ўзбекистонда экспортбон маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга қаратилган қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жамғарма томонидан 2017 йилда 374 миллион долларлик 776 лойиҳани амалга ошириш мақсадида тадбиркорларимизга бизнес-режа ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва банкка топширишда кўмаклашиш режалаштирилган. Январ-март ойларида 12 миллион 642 минг долларлик ва 35 миллиард 579 миллион сўмлик 63 лойиҳа молиялаштирилди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида жамғарма томонидан жорий йил 3–8 март кунлари “Daejin Chemical” корхонаси вакиллари билан Ўзбекистонга ташрифи ташкил қилинди. “Daejin Chemical” ва “Навоий” эркин иқтисодий зона дирекцияси ўртасида мазкур зонада косметика воситалари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда бу маҳсулотларни МДҲ давлатлари бозорларига экспорт қилишни назарда тутувчи Англашув меморандуми имзоланди.

Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 16 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан жам-



О.ҲУЛОМОВ (ЎЗА) олган суратлар

фарма Россия, Корея Республикаси, Италия, Болгария, Швейцария, Германия ва Испанияда ўз ваколатхоналарини очган. Уларнинг асосий вазифаси маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хариддорлар топиш, маҳаллий брендларнинг ўшбу мамлакатларда рекламасини таъминлаш, кўргазма, ярмарка, тендер савдолари ва бошқа тадбирларда тадбиркорларнинг иштирокини ташкиллаштириш, Ўзбекистонга хорижий импортёрларнинг ташрифини ташкил этиш, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги-га мувофиқ талаб этиладиган сертификат ва лицензияларни олишда кўмаклашишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, жамғарма тадбиркорларни ташқи бозор ҳатарида ишончли ҳимоялаш, маҳсулот турларини таҳлил этиш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва ошириш, хориждан ишончли ҳамкорлар топиш ва бошқа хизматларни кўрсатишга қамраб олади.

Ноҳира МАНЗУРОВА

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

“ЁШЛИК БАҲОРИ”: ИЗЛАНИШ
ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб “Ёшлик баҳори” ёш опера ижрочиларининг республика кўрик-фестивали ташкил этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида ушбу кўрик-фестиваль ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ва гала-концерт бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Мамлакатимизда мусиқа санъатининг барча жанрларини ривожлантириш, ушбу йўналишдаги таълим тизимини замон руҳига уйғун тарзда тақомиллаштириш, ёш авлод истеъдодини эрта аниқлаш, уларни ҳар хилдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласи доимий эътиборда. Бундай эътибор ёшларнинг мусиқа санъатининг бебаҳо намуналарини мактаб давридан оқибатга қўйиш, истеъдодлар сафини кенгайтириш, уларнинг қобилиятини эрта ва тўғри шакллантириб боришда муҳим омил бўлмоқда.

Тўртинчи марта ўтказилган “Ёшлик баҳори” кўрик-фестивали опера муҳлисларининг янада ортиши, мусиқанинг мазкур йўналишини тобора ри-

вожлантиришдек мақсадларга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистон давлат консерваториясида академик хонандалик йўналиши бўйича тахсил олаётган ёшлар билан бирга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги санъат коллежлари, ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг ўқувчилари, мусиқа таълими бўйича эндигина фаолият бошлаган ёш педагоглар мазкур мусиқа анжуманида ўз маҳорат ва истеъдодини бирдек синаб кўриш имконига эга бўлди, – дейди Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 41-умумтаълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси Собирхўжа Ботиров. – “Ёшлик баҳори” кўрик-фестивали пойтахтимиздаги етакчи санъат масканларининг саҳналарида ўз ижодий изланишларимизни намойиш этиш, ёш операчилар ижроси билан танишиш учун мулоқот майдони вазифасини ўтади.



Т.МАМАДАМИНОВ (ЎА) олган сурат

Кўрик-фестивалда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрининг стажёри Шухрат Чориев биринчи ўринни қўлга киритди. Сирдарёлик Собирхўжа Ботиров иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабаси Бирдонахон Маткаримовга учинчи ўрин nasib этди. Бир гуруҳ ёш опера ижрочилари турли номинациялар бўйича ғолиб бўлди.

Гала-концертда мамлакатимиз ва халқаро танловларнинг совриндорлари ижросида Ўзбекистон ва жаҳон композиторларининг асарларидан намуналар ижро этилди.

Н.УСМОНОВА

Спорт янгиликлари

ЭНГ КУЧЛИ ЖАМОАЛАР БЕЛЛАШАДИ

“Баркамол авлод – 2017” спорт ўйинларининг қўл тўпи бўйича саралаш мусобақалари ғолиблари Жиззах вилоятида бўлиб ўтадиган финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган мусобақанинг ҳисоботи бўйича Наманган, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари “Баркамол авлод – 2017” спорт ўйинлари финал босқичига йўлланмага эга бўлишди.

Ўғил болалар ўртасидаги бахсларда Андижон вилояти терма жамоаси Қашқадарё вилояти вакиллари 42:37 ҳисобида енгди. Қорақалпоғистонлик ёшлар самарқандлик спортчиларни 21:20 ҳисоби билан мағлубиятга учратган бўлса, Жиззах ва Хоразм вилоятлари ёш спортчилари беллашувида 27:26 ҳисоби

қайд этилди. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти жамоалари ўртасидаги бахсда 28:13 ҳисобида пойтахтлик спортчиларнинг қўли баланд келди.

Финал босқичига йўлланмани қўлга киритган Андижон ва Жиззах вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари Жиззахда яна учрашадиган бўлди.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчи қизларидан бири **Сабина Шарипова** Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимида киритилган Туркиядаги халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мохир теннисчимиз мусобақанинг биринчи босқичида мезбонлар вакиласи Пемра Ўзгенни мағлубиятга учратган эди. Кейинги даврада ҳам ўзбекистонлик теннисчи туркиялик Айла Аксуга қарши қорғат чикди. Ролп-роса икки соат давом этган учрашувнинг биринчи сетида Сабина рақибасига 3:6 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса-да, қолганларида 7:6, 6:2 ҳисобида муваффақиятга эришди.

Ботир ХЎЖАЕВ

“ПАХТАКОР” – НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги 1/16 финалининг “Нурафшон” ҳамда “Пахтакор” жамоалари ўртасидаги бахсдан сўнг нимчорак финалга йўлланма олган барча жувтликлар номи маълум бўлди.

“Нурафшон” – “Пахтакор” жамоалари учрашуви айтиш жоизки, анча кескин курашларга бой, мурасасиз кечди. Ҳар икки томон дарвозалар томон хавфли ҳужумлар уюштирган бўлсада, ўйиннинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Ғолибни аниқлаш мақсадида ҳакам томонидан белгиланган пенальтилар сериясида омад пахтакорчиларга қулиб бок-

ди. Учрашув 5:3 ҳисобида тошкентлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди.

Энди Ўзбекистон кубогининг нимчорак финалида “Пахтакор” жамоаси “Насаф”га қарши тўп суради. Ўзбекистон кубогининг нимчорак финал жувтликлари қуйидагича кўриниш олади. “Локомотив” – “Қизилқум”, “Сўғдиёна” – “Бухоро”,

“Кўкөн-1912” – “Металлург”, “Пахтакор” – “Насаф”, “Динамо” – “Олмалик”, “Езёвон лочинлари” – “Машъал”, “Нефчи” – “Навбахор”, “Шўртан” – “Бунёдкор”.

Ўзбекистон кубоги нимчорак финалининг биринчи учрашувлари 21-22 май кунлари, жавоб бахслари 30-31 май кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Реклама ва эълонлар

“Respublika Mulk Markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Шайхонтохур туман суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 16 апрелдаги 2-23-12-сонли ижро варақасига асосан, “NUMIZMATIKA” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган “Ха-фей” русумли д/р 3025878, ранги кўк бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 21 240 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 22 май соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул

қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 19 май соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевожита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ “Ипак йўли банки”

Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 14-уй. Тел: 228-79-52. www.rmtt.uz. Гувоҳнома № 001805.

Ёшлар – келажакимиз

ФАРЗАНД КАМОЛОТИ –
ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Фарзанд оиланинг қувончи, истиқболли келажакимизнинг давомчилари ва юртимизнинг ёрқин кўзгусидир. Агар ёшларга замонавий билимлар бериб, миллий ғоямиз руҳида тарбияласак, юксак маънавият уруғини қалб қўрига, онгу тафаккурига жойласак, уларнинг ўзи мустақил фикр ва қатъий эътиқодга эга шахслар бўлиб камолга етади.

Яккасарой туманидаги 319-умумтаълим мактабиде ўтказилган, “Фарзанд тарбиясида оиланинг роли” мавзусидаги давра суҳбатиде ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тадбир Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилди.

Унда Ўзбекистон халқ демократик партияси шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева “Фарзанд камолоти – жамият бахти”, Яккасарой туман прокуратураси ходими Шаҳзод Зуфаров “Бола тарбияси – долзарб муаммо”, 319-мактаб директори Саёҳатхон Ташматова “Ёшлар – келажакимиз таянчи”, “Дилбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Орипов “Баркамол авлодни вояга етказишда ота-онанинг масъулияти” мавзуларида маъруза қилдилар.

Бундай маънавий-маърифий давра суҳбатларининг ўтказилиши ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий онгини оширишда, ахлоқий-эстетик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади, – дейди “Дилбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Орипов. – Ёшларнинг бахтли, фаровон ҳаётини таъминлашда, мактаб, оила ҳамда маҳалланинг ўрни ва вазифаларини янада кучайтириш жоиз. Баркамол авлодни вояга етказишда, уларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашда ва турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилишда ўтказилиб борилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий билимини ошириш, интеллектуал салоҳиятини янада шакллантириш, қизиқишларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар фарзандларимизнинг дунёқарашини янги-ча эзгу ғоялар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Сергели политехника касб-ҳунар коллежи Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарига малака талаблари: олий маълумот, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стаж.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка);
2. Таржimai ҳол;
3. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
4. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7. Паспорт (нусхаси);
8. Тасвифнома;
9. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
10. Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, Тел: 252-23-35.



Ликда шамол эсади. Қарорат кечаси — 10-12, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 19 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратолади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 19 апрель кунини ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эртада ёмғир, жаза ёғиши мумкин. Кундузи ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тез-



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 435

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02.1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10118 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 14:25

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ